

УДК 338.43:638.2

ПИЛЛАЧИЛИКДА ХОНАДОНБАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Жаникулова Лобар Шакарбаевна

мустақил тадқиқотчи Тошкент давлат аграр университети

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21928772>

Аннотация. Мазкур мақолада пиллачиликда хонадонбай ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг кишлоқ аҳолиси бандлиги, оила даромадларини диверсификация қилиш ва тармоқ қиймат занжирининг барқарорлигини таъминлашдаги иқтисодий аҳамияти ёритилган. Расмий статистика ва очик меъёрий-ҳуқуқий манбалар асосида пилла етиштириш ҳажми, касаначиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, касбий ўқитиш, хомашё билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотни шартнома асосида харид қилиш механизмлари таҳлил қилинган. Хонадон, кооператив ва пиллачилик кластери ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда мавсумий бандликни барқарор даромад манбаига айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: пиллачилик, хонадонбай ишлаб чиқариш, кооперация, касаначилик, бандлик, оила даромади, қиймат занжири, иқтисодий самарадорлик.

Аннотация. В статье раскрыто экономическое значение развития надомной производственной кооперации в шелководстве для занятости сельского населения, диверсификации семейных доходов и устойчивости отраслевой цепочки создания стоимости. На основе официальной статистики и открытых нормативно-правовых источников рассмотрены объемы производства коконов, механизмы финансовой поддержки надомных производителей, профессионального обучения, обеспечения сырьем и договорной закупки готовой продукции. Предложены направления укрепления взаимодействия между домохозяйствами, кооперативами и шелководческими кластерами, а также преобразования сезонной занятости в более устойчивый источник дохода.

Ключевые слова: шелководство, надомное производство, кооперация, занятость, семейный доход, цепочка создания стоимости, экономическая эффективность.

Abstract. The article examines the economic importance of developing household-based production cooperation in sericulture for rural employment, diversification of family income and stability of the sectoral value chain. Drawing on official statistics and publicly available regulatory sources, it considers cocoon production, financial support for home-based producers, vocational training, input provision and contractual purchase of finished products. The study proposes measures to strengthen cooperation among households, cooperatives and sericulture clusters and to transform seasonal employment into a more sustainable source of income.

Keywords: sericulture, household production, cooperation, home-based work, employment, family income, value chain, economic efficiency.

Пиллачилик кишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштириш, саноатда қайта ишлаш, касаначилик ва хунармандчиликни бирлаштирувчи меҳнат талаб тармоқлардан бири ҳисобланади. Унинг ишлаб чиқариш жараёнида фермер хўжаликлари, хонадонлар, пиллачилик кластерлари, уруғчилик корхоналари, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар иштирок этади. Бундай кўп бўғинли тузилма иқтисодий натижаларнинг фақат алоҳида корхона фаолиятига эмас, балки барча иштирокчилар ўртасида ресурслар, меҳнат, ахборот ва маҳсулот ҳаракатининг қай даражада мувофиқлаштирилганига боғлиқлигини кўрсатади.

Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича 30,1 минг тонна пилла хомашёси тайёрланган бўлиб, бу 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга кўпдир [5. 2025]. Мазкур кўрсаткич пиллачиликда барқарор хомашё базаси мавжудлигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг иқтисодий самарасини ошириш учун хонадонларни қиймат занжирининг кейинги босқичларига ҳам жалб этиш зарурлигини кўрсатади. Яъни хонадон фақат тирик пилла етиштирувчи сифатида эмас, балки саралаш, ип йиғириш, мато ва тайёр буюмлар ишлаб чиқариш жараёнининг муайян босқичларида иштирок этувчи иқтисодий субъектга айланиши мумкин.

Хонадонбай ишлаб чиқариш кооперацияси деганда алоҳида хонадонларнинг мустақиллигини сақлаган ҳолда, уларни ягона буюртма, технология, сифат талаби, таъминот ва сотиш тизими орқали ўзаро боғлаш тушунилади. Бундай шаклда пиллачилик кластери ёки кооператив хонадонларга ипак курти уруғи, зарур асбоб-ускуна, хомашё, дизайн ва техник маслаҳатларни етказиб беради. Хонадонлар эса келишилган технология ва сифат мезонлари асосида маҳсулот етиштириш ёки тайёрлаш вазифасини бажаради. Якунда маҳсулот шартнома асосида йиғиб олинади ва марказлашган ҳолда қайта ишланади ёки сотилади.

Кооперациянинг асосий иқтисодий афзаллиги алоҳида хонадон зиммасига тушадиган бозор ва ташкилий харажатларни камайтиришдан иборат. Хонадон мустақил равишда уруғ, жиҳоз ва хомашё излаши, маҳсулот учун харидор топиши, катта партия шакллантириши ёки сертификатлаш харажатларини тўлиқ ўзи қоплаши қийин. Кооператив тизимда мазкур вазифалар бирлаштирилиб, қўлам самараси юзага келади. Натижада харид ва логистика харажатлари камаяди, маҳсулот сифати бир хиллашади, сотиш имкониятлари кенгайди ва ишлаб чиқарувчининг даромади нисбатан барқарорлашади.

Халқаро тажрибада ҳам кичик ишлаб чиқарувчиларни шартнома ва кооперация асосида қиймат занжирига жалб қилиш уларнинг бозор, технология ва ахборотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириши қайд этилади. Бироқ бундай муносабатлар самарали бўлиши учун шартлар аниқ, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мувозанатли, нарх шаклланиши тушунарли ва низоларни ҳал қилиш тартиби олдиндан белгиланган бўлиши лозим [1. 2017]. Пиллачиликда ҳам хонадонбай кооперацияни ривожлантириш ишлаб чиқарувчининг мустақиллигини чеклаш эмас, балки уни ресурслар ва бозорга боғлайдиган хизматлар билан таъминлашга асосланиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда хонадонларни пиллачиликка жалб этиш учун институционал асослар босқичма-босқич кенгаймоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 январдаги 46-сон қарорида ипакчилик бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш, уларни тамомлаган фуқароларни доимий ёки мавсумий ишга йўналтириш, қўлда ипак гилам ва ипак мато тўқиш истагидаги хотин-қизларни ўқитиш, хонадонларга дастгоҳлар етказиб бериш, зарур хомашё билан таъминлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни шартнома асосида йиғиб олиш чоралари белгиланган [4. 2025]. Ушбу ёндашув хонадонбай ишлаб чиқаришнинг уч муҳим шартини - малака, ишлаб чиқариш воситаси ва кафолатланган сотиш каналини бир тизимда бирлаштиради.

Хонадонбай фаолиятни бошлашда дастлабки капиталнинг етишмаслиги асосий иқтисодий чекловлардан бири бўлиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 мартдаги 158-сон қарори билан тасдиқланган тартибларда аҳолининг бандлигини рағбатлантириш, тадбиркорликка жалб этиш ва асбоб-ускуналар хариди учун молиявий қўмак механизмлари назарда тутилган. Амалдаги таҳрирда пилла етиштирувчилар, ипак курти боқувчилар ва касаначиларни субсидия ҳамда ссудалар орқали қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳам қамраб олинган [3. 2025]. Бу механизмлардан самарали фойдаланиш учун молиявий ресурсларни фақат жиҳоз хариди билан чекламасдан, ўқитиш, техник кузатув ва маҳсулотни сотиш тизими билан боғлаш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 мартдаги ПҚ-87-сон қарорида 2030 йилгача ипакчилик соҳасида ҳар йили камида 500 минг мавсумий ва 50 минг доимий иш ўрни билан таъминлаш мақсади белгиланган. Шунингдек, пилла етиштирувчиларга кластер томонидан ҳақиқатда тўланган маблағнинг 35 фоизи миқдорида субсидия ажратиш, пилла кооперативига аъзо айрим оилаларни 4 миллион сўмдан субсидия билан қўллаб-қувватлаш ва касаначиларга асбоб-ускуна хариди учун уч йилгача базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача фойзсиз ссуда бериш тартиби назарда тутилган [6. 2026]. Мазкур чоралар хонадонбай ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш учун иқтисодий рағбатлар тизимини шакллантиради.

Бироқ молиявий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, хонадоннинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши, кейинги мавсумда ҳам ишлаб чиқаришни давом эттириши, маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабабли кооперация дастурларида маблағ олувчилар сони билан бир қаторда, бир хонадонга тўғри келган соф даромад, маҳсулот сотишдан тушган тушум, буюртмаларнинг такрорланиш даражаси ва иш билан банд бўлган давр давомийлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Пиллачиликнинг мавсумийлиги хонадон даромадларининг йил давомида бир текис шаклланмаслигига сабаб бўлади. Ипак куртини боқиш жараёни қисқа муддатли ва меҳнат сиғими юқори бўлган даврни қамраб олади. Мавсум тугагач, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш пасайиши

мумкин. Шунинг учун хонадонбай кооперацияни фақат тирик пилла етиштириш билан чекламасдан, уни ипак ипини тайёрлаш, мато тўкиш, миллий ва замонавий дизайндаги буюмлар ишлаб чиқариш, қадоклаш ва онлайн савдога тайёрлаш каби кейинги босқичлар билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Бу мавсумий меҳнатни йил давомида давом этадиган қўшимча иқтисодий фаолиятга айлантириш имконини беради.

Хонадонда меҳнат қилишнинг қулай жиҳатлари билан бир қаторда, меҳнат шароити, иш вақти, ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя масалаларига ҳам эътибор бериш зарур. Халқаро меҳнат ташкилоти хонадонбай меҳнатнинг даромад олиш имкониятини кенгайтиришини, айти пайтда уни муносиб меҳнат стандартлари, ижтимоий ҳимоя ва ишлаб чиқарувчиларнинг уюшганлиги билан қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлайди [2. 2021: Б. 3–5]. Шу нуқтаи назардан, пиллачиликда хонадонбай ишлаб чиқаришни расмий шартнома, аниқ ҳисоб-китоб ва хавфсиз меҳнат шароитлари асосида ташкил этиш иқтисодий ҳамда ижтимоий натижадорликни оширади.

Кооперациянинг барқарор ишлашида кластернинг вазифаси фақат маҳсулотни харид қилишдан иборат бўлмаслиги керак. Кластер хонадонларнинг талабини олдиндан ўрганиши, ишлаб чиқариш режасини шакллантириши, стандарт технологияни етказиши, сифат назоратини ташкил қилиши ва маҳсулотни бозор талабига мос ҳолда сотишга тайёрлаши лозим. Кооператив ёки маҳаллий мувофиқлаштирувчи марказ эса хонадонлар билан кластер ўртасида ахборот алмашинуви, буюртмалар тақсимооти, хомашё тарқатиш ва тайёр маҳсулотни йиғиш вазифаларини бажариши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперациясида нарх белгилаш механизми хонадонларнинг иқтисодий манфаатдорлигига бевосита таъсир қилади. Тўлов фақат тайёр маҳсулот миқдорига эмас, сифат, мураккаблик, меҳнат сарфи ва буюртмани ўз вақтида бажариш каби мезонларга ҳам боғланиши мақсадга мувофиқ. Нарх ва устама ҳақлар шартномада олдиндан кўрсатилса, хонадон ўзининг кутилаётган даромадини ҳисоблай олади. Бу ишлаб чиқариш режасини тузиш, меҳнат вақтини тақсимлаш ва кейинги буюртмаларда иштирок этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилиш имконини беради.

Рақамли воситалар хонадонбай кооперацияни бошқариш харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Электрон тизимда иштирокчилар рўйхати, ўқув натижалари, тарқатилган уруғ ва хомашё, берилган жиҳозлар, буюртма ҳажми, маҳсулот сифати, қабул қилинган сана ва тўловлар қайд этилиши мумкин. Бу маълумотлар таъминотдаги узилишларни тез аниқлаш, тўлов интизомини кузатиш ва ҳар бир хонадоннинг иқтисодий натижасини баҳолаш имкониятини кенгайтиради. Шу билан бирга, рақамлаштириш оддий ва фойдаланувчига қулай бўлиши, рақамли кўникмаси чекланган иштирокчилар учун амалий ёрдам билан таъминланиши лозим.

Хонадонбай кооперацияни ривожлантиришда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олиш муҳим. Пилла хомашёси кўп етиштириладиган ҳудудларда пилла парвариши, саралаш ва дастлабки ишлов беришга ихтисослашган кооперативлар ташкил этиш мумкин. Ҳунармандчилик анъаналари шаклланган ҳудудларда эса ипак мато, гилам, миллий либос ва совға маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш юқори қўшилган қиймат яратиш имконини беради. Бундай ихтисослашув ҳудудий ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва маҳаллий брендларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, пиллачиликда хонадонбай ишлаб чиқариш кооперациясини такомиллаштириш учун бир қатор йўналишлар таклиф этиш мумкин.

- биринчидан, хонадонларни ўқитиш, асбоб-ускуна билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотни харид қилиш жараёнларини ягона лойиҳа циклида ташкил этиш;
- иккинчидан, ҳар бир кооператив бўйича маҳсулот тури, буюртма ҳажми, сифат мезонлари ва нарх шаклланишини қамраб олган намунавий шартнома жорий этиш;
- учинчидан, молиявий кўмак олувчи хонадонларга камида бир ишлаб чиқариш мавсуми давомида техник ва бизнес маслаҳат хизмати кўрсатиш;
- тўртинчидан, хонадонларнинг алоҳида маҳсулотларини ягона партияга бирлаштириш, қадоклаш, сертификатлаш ва бозорга олиб чиқиш учун ҳудудий сервис марказларини ташкил;
- бешинчидан, кооперация натижадорлигини иш ўрни сони билан бир қаторда хонадон соф даромади, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати ва такрорий иштирок кўрсаткичлари асосида баҳолаш;

Хулоса қилиб айтганда, пиллачиликда хонадонбай ишлаб чиқариш кооперацияси қишлоқ аҳолисининг мавжуд меҳнат ва хонадон ресурсларини иқтисодий фаолликка жалб этишининг

самарали шакли бўлиши мумкин. Унинг устунлиги кичик ишлаб чиқарувчиларни ресурс, технология, молия ва кафолатланган бозор билан боғлаш орқали уларнинг алоҳида фаолият юритиш харажатларини камайитиришида намоён бўлади. Молиявий қўллаб-қувватлаш, касбий тайёргарлик, шаффоф шартнома, сифатга асосланган ҳақ тўлаш ва марказлашган сотиш механизмлари ўзаро уйғунлаштирилса, мавсумий бандликни барқарор даромад манбаига айлантириш ҳамда пиллачилик қиймат занжирида қўшилган қийматни қўпайтириш имконияти кенгайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Food and Agriculture Organization of the United Nations. Contract Farming Session Report: Value Chains for Transforming Smallholder Agriculture. – Rome: FAO, 2017.

2. International Labour Organization. Working from Home: From Invisibility to Decent Work. – Geneva: ILO, 2021.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 мартдаги «Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 158-сон қарори. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 январдаги «Хотин-қизларнинг пиллачилик соҳасидаги бандлигини босқичма-босқич таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 46-сон қарори. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Республикада 2025 йил январь–июнь ойларида етиштирилган пилла хомашёси тўғрисида маълумот. – Тошкент, 2025.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 мартдаги «Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–87-сон қарори. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.